
ДАНҒАРА ТУМАНИДАГИ ОҒИР ИЖТИМОИЙ ҲОЛАТДАГИ ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" ТАСДИҚЛАНДИ.

Президентимизнинг жорий йил 4-5 февраль кунлари вилоятимизга ташрифи давомида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, Данғара туманидаги оғир ижтимоий ҳолатдаги ҳудудларда жорий йилнинг 13 март куни "Абдусамад", "Қорамулла", "Урганжи", "Раҳматилло" ва "Бойбўта" ҳамда 14 март куни "Катта Турк", "Таптиқсарой", "Ғалаба", "Оқтепа", "Қашқар" маҳалла фуқаролар йиғинларида халқ депутатлари Данғара тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси ўтказилди.

Сайёр тарзда ўтказилган сессия ишида 1-масала юзасидан Данғара тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Шухратжон Тожиҳақимов Нурмуҳаммадовичнинг юқоридаги маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳисоботлари тингланди.

2-масала юзасидан Данғара тумани ИИБ бошлиғи, майор Аҳмедов Шерзоджон Зокировичнинг маҳаллаларда жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар таҳлили бўйича ахбороти эшитилди.

"Сайёр сессия"ларда туман Кенгаши депутатлари, Сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот раҳбарлари, аҳоли вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этишди. Ўтказилган сессияларда "Абдусамад", "Қорамулла", "Урганжи", "Раҳматилло", "Катта Турк", "Таптиқсарой", "Ғалаба", "Оқтепа", "Қашқар" "Бойбўта" МФЙларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича "ЙЎЛ ХАРИТАСИ" тасдиқланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-03-14 15:40:26